

**“ANOR BANK” АЖнинг навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишинг  
овоз бериш якунлари тўғрисида Санок комиссиянинг  
БАЁНИ**

Тошкент ш.  
Сайрам 5-тор кўчаси, 4-уй.

2024 йил 9 август  
соат 11.00

**Санок комиссиянинг раиси:**

Джуманиязова Анаджан Кудратовна

**Санок комиссиянинг аъзолари:**

Мирюнусов Бехзод Миргафурович  
Тинанов Сакен Кайратович

“ANOR BANK” АЖнинг навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиши 2024 йил 9 август куни, Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар, Сайрам 5-тор кўчаси, 4-уйда бўлиб ўтти.

Рўйхатга олиш рўйхати асосида бўлган 2 (икта) овоз бериш бюллетени берилган. Бунда умумий сони 500 000 000 овозга эга булган яни 100 фоизини ташкил этади.

Кун тартиби масалалари бўйича овозларни ҳисоблашда қуйидагилар аниқланди: жами 500 000 000 овоз билан 2 та бюллетен тўплами топширилди.

Бузилган бюллетенлар йўқ.

Тақдим этилмаган бюллетенлар йўқ.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган овоз берувчи акциялар сонининг йиғилиш кворуми 100 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Қонунининг 60-моддасига мувофиқ овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Шуниндек 69-моддасига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш "жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз" принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

**Овозларни ҳисоблаш ва овоз бериш бюллетенларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги натижалар аниқланди:**

**Кун тартибидаги биринчи савол бўйича "ANOR BANK" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида”**

Биринчи масала бўйича овоз бериш натижалари

Овоз бериш имкониятлари	Овозлар сони	Овоз беришга катнашганларнинг %	Хақиқий эмас деб топилган бюллетенлардаги овозлар сони
«РОЗИМАН»	500 000 000	100	0
«КАРШИ»	0	0	
«БЕТАРАФ»	0	0	

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича овоз бериш натижаларига кўра акциядорлар йиғилиши томонидан қабул қилинди

**ҚАРОП:**

1.1. "ANOR BANK" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш Регламент тартиби қуйидаги тартибда тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузачилар учун-10 дақиқагача;
- қўшимча нутқлар – мулоҳазалар ва мунозаралар учун-5 дақиқагача;
- овозларни ҳисоблаш учун танаффус 5 дақиқа.

**Кун тартибидаги иккинчи савол бўйича “ANOR BANK” АЖ Уставига ўзгартиришлар ва қушимчалар тасдиқлаш тўғрисида”**

Иккинчи масала бўйича овоз бериш натижалари

Овоз бериш имкониятлари	Овозлар сони	Овоз беришга катнашганларнинг %	Хақиқий эмас деб топилган бюллетенлардаги овозлар сони
«РОЗИМАН»	500 000 000	100	0
«КАРШИ»	0	0	
«БЕТАРАФ»	0	0	

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича овоз бериш натижаларига кўра акциядорлар йиғилиши томонидан қабул қилинди

**КАРОР:**

2.1. "ANOR BANK" АЖ Уставига киритилган ўзгартиришлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2.2. Банк бошқарувиغا (Ақрамов Ш.С.) "ANOR BANK" АЖ Уставига ўзгартиришларни белгиланган тартибда давлат руйхатидан ўтказиш билан боғлиқ зарур юридик ҳаракатларни амалга оширилсин.

**Кун тартибидаги учинчи савол бўйича “"ANOR BANK" АЖ Кузатув Кенгаши аъзоси ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида”**

Учинчи масала бўйича овоз бериш натижалари

Овоз бериш имкониятлари	Овозлар сони	Овоз беришга катнашганларнинг %	Хақиқий эмас деб топилган бюллетенлардаги овозлар сони
«РОЗИМАН»	500 000 000	100	0
«КАРШИ»	0	0	
«БЕТАРАФ»	0	0	

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича овоз бериш натижаларига кўра акциядорлар йиғилиши томонидан қабул қилинди

**КАРОР:**

3.1. "ANOR BANK" АЖ Кузатув Кенгаши аъзоси Б.Т. Юлдашевнинг 2024 йил 9 августдан ваколатлари тугатилсин ва Кузатув Кенгаши таркибидан чиқарилсин.

3.2. Банк Бошқарувиغا Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан давлат руйхатга олинган "Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига хабардор қилинсин.

3.3. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот департаментига "ANOR BANK" АЖ Кузатув Кенгашининг мукофотлаш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда Б.Т. Юлдашевга ҳақ тўлашнинг якуний ҳисобини амалга оширсин.

**Кун тартибидаги тўртинчи савол бўйича “"ANOR BANK" АЖ Кузатув Кенгаши янги аъзосини сайлаш тўғрисида”**

Тўртинчи масала бўйича овоз бериш натижалари

**Кумулятив овоз бериш натижалари:**

«ANOR BANK» АЖнинг Кузатув Кенгаши таркибига номзодларнинг Ф.И.О.	Овозлар сони
Каримбаев Шерзод Кобилович	500 000 000

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича овоз бериш натижаларига кўра акциядорлар йиғилиши томонидан қабул қилинди

## ҚАРОП:

4.1. Каримбаев Шерзод Кобилович “ANOR BANK” АЖнинг Кузатув Кенгаши таркибига сайлансин.

4.2. Банк Бошқарувига (Акрамов Ш.С.) Ш.К. Каримбаев номзодини Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2020-йил 30-июнда 3252-сон билан давлат рўйхатга олинган "Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ белгилан тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига номзодни келишиш учун хужжат топширилсин.

4.3. Белгилаб қўйилсин, Кузатув Кенгаши аъзоси Ш.К. Каримбаевнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг розилигини олганидан кейин кучга кирди.

**Кун тартибидаги бешинчи савол бўйича "ANOR BANK" АЖнинг ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш, дивидендлар тўлаш ва тўлов шакли ва тартибини белгилаш тўғрисида”**

Бешинчи масала бўйича овоз бериш натижалари

Овоз бериш имкониятлари	Овозлар сони	Овоз беришга катнашганларнинг %	Хақиқий эмас деб топилган бюллетенлардаги овозлар сони
«РОЗИМАН»	500 000 000	100	0
«КАРШИ»	0	0	
«БЕТАРАФ»	0	0	

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича овоз бериш натижаларига кўра акциядорлар йиғилиши томонидан қабул қилинди

## ҚАРОП:

5.1. Банк ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдадан оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлансин ва қуйидаги тартибда тасдиқласин:

- оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш учун ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдадан 50 000 000 000 (эллиқ миллиард) сўм миқдорига маблағ йўналтирилсин;

- хар 1 (бир) дона оддий акция учун дивиденд миқдори 100,00 сўм (номинал қийматига нисбадан 10,0%) да тасдиқлансин;

- акциядорларга дивидендлар тўлаш тегишли банк ҳисобварақларига ва/ёки акциядорларнинг пластик карталарига ўтказиш йўли билан нақд пулда амалга оширилади. Дивидендларни тўлаш бошланган санаси 2024 йил 9 август, тўлов тугаган сана эса 2024 йил 7 октябр деб белгилансин;

- дивидендларни солиққа тортиш Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига мувофиқ йулланилсин;

- белгилансинки, банк акциядорлари уларга ҳисобланган дивидендларни банкнинг чиқарилган акциялари бўйича тўлов сифатида юборишга ҳақли;

- белгилаб қўйилсин, дивидендлар тўлаш фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг олдиндан розилиги олингандан кейин амалга оширилади.

**Кун тартибидаги олтинчи савол бўйича "“ANOR BANK” АЖнинг устав капиталини кўшимча эгасининг номи ёзилган имтиёзли хужжатсиз акциялар чиқариш йўли билан ошириш тўғрисида”**

**Кун тартиби масаласини муҳокама қилгандан сўнг, ушбу масала бўйича овоз бериш таклиф қилинди.**

Олтинчи масала бўйича овоз бериш натижалари

Овоз бериш имкониятлари	Овозлар сони	Овоз беришга катнашганларнинг %	Хақиқий эмас деб топилган бюллетенлардаги овозлар сони
«РОЗИМАН»	500 000 000	100	

«КАРШИ»	0	0	0
«БЕТАРАФ»	0	0	

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича овоз бериш натижаларига кўра акциядорлар йиғилиши томонидан қабул қилинди

### КАРОР:

6.1. Акциядор юридик шахс "KAPITAL SUG'URTA" АЖнинг чиқарилаётган қўшимча акцияларни сотиб олишни рад қилганлиги ва уларга тегишли дивидендлардан қонунчиликка мувофиқ юридик шахс акциядорларининг дивиденд тарзидаги даромадлари бўйича фойда солиғини тўлов манбаидан ушланган ҳолда банк томонидан тўлиқ тўлаб беришлигини маълумот учун қабул қилинсин.

6.2. "ANOR BANK" Ажнинг устав капиталини ҳар бир акция учун номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 50 000 000 (эллик миллион) дона 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм миқдорида эгасининг номи ёзилган имтиёзли хужжатсиз акциялар чиқариш орқали оширилсин.

6.3. Бўлажак акциялар чиқарилиши акциядор Олимов Кахрамонжон Анваровичга хусусий жойлаштириш йўли билан ёпик обуна орқали тўланадиган дивидендлар суммасидан 49 510 000 000 (қирқ тўққиз миллиард беш юз ўн миллион) сўм ва 490 000 000 (тўрт юз тўқсон миллион) сўм миқдорида ўз маблағлари ҳисобидан жойлаштирилсин.

6.4. «ANOR BANK» АЖнинг қўшимча чиқариладиган эгасининг номи ёзилган имтиёзли хужжатсиз акцияларнинг чиқариш ва жойлаштириш тартиби куйидагича тасдиқлансин:

- "ANOR BANK" АЖнинг устав капиталини ҳар бир акция учун номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 50 000 000 (эллик миллион) дона 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм миқдорида эгасининг номи ёзилган имтиёзли хужжатсиз акциялар чиқарилиши;

- ушбу акциялар чиқарилуви ёпик обуна хусусий жойлаштириш йўли билан банк акциядори Олимов Кахрамонжон Анварович (Olimov Kaxramonjon Anvarovich) номига жойлаштирилади;

- ушбу чиқарилишдаги бир дона акциясини жойлаштириш нарҳи 1 000 (бир минг) сўм миқдорида, яъни номинал қийматида белгилансин;

- акциялар жойлаштирилиши уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида амалга оширилади, тўғридан-тўғри фукаролик-хукукий битим асосида қонун хужжатларида белгиланган тартибда.

Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

- 49 510 000 000 (қирқ тўққиз миллиард беш юз ўн миллион) сўм миқдоридаги сумма К.А.Олимовга тегишли ҳисобланган дивидендлар аризаси асосида қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ёзувларида тегишли ўтказмалар ўтказиш орқали тўланади, шуниндек фарк килаётган 490 000 000 (тўрт юз тўқсон миллион) сўм К.А. Олимов ўз маблағларидан ҳақ тўлаш билан пул тўланади.

- ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Акцияларни сотиб олиш пулсиз воситалар орқали кўзда тутилмаган.

- Акциядор юридик шахс "KAPITAL SUG'URTA" АЖнинг чиқарилаётган қўшимча акцияларни сотиб олиши рад қилганлиги сабабли имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи кўзда тутилмаган;

- ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш муддати - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида акцияларнинг қўшимча чиқарилувини давлат рўйхатидан ўтказган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кун ичида кечиктирмай;

- акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида қўшимча чиқарилувини давлат рўйхатидан ўтказган кундан бошлаб;

- акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – охириги акцияни жойлаштириш санаси, лекин қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай;

- ушбу чиқарилувдаги акциялар 100%дан кам миқдорда жойлаштириганда, ушбу чиқарилув амалга ошмаган деб ҳисобланади;

- акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб тан олинган тақдирда банк ушбу ҳолат тўғрисида оммавий ахборот воситаларида, шуниндек корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ва банк веб-сайтида (www.anorbank.uz) расмий хабарнома эълон қилади;

- акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб тан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида акция учун тўлов сифатида олинган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтарилади.

**Кун тартибидаги еттинчи савол бўйича “ANOR BANK” АЖнинг имтиёзли номи ёзилган ҳужжатсиз акцияларни кўшимча чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш бўйича ваколатларни банк Кузатув Кенгашига бериш тўғрисида”**

Еттинчи масала бўйича овоз бериш натижалари

Овоз бериш имкониятлари	Овозлар сони	Овоз беришга катнашганларнинг %	Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлардаги овозлар сони
«РОЗИМАН»	500 000 000	100	0
«КАРШИ»	0	0	
«БЕТАРАФ»	0	0	

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича овоз бериш натижаларига кўра акциядорлар йиғилиши томонидан қабул қилинди

### **КАРОР:**

7.1. "ANOR BANK" АЖнинг Кузатув Кенгашига устав капиталини ҳар бир акция учун номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 50 000 000 (эллик миллион) дона 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм миқдорига эгасининг номи ёзилган имтиёзли ҳужжатсиз акциялар чиқарилиш Қарорини тасдиқлаш ваколати берилсин.

*Изоҳ:*

«ANOR BANK» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссиясининг ушбу байёномаси 2024 йил 9 августда 5 (беш) варақда, узбек тилида, 2 нусхада имзоланган.

*Санок комиссиянинг раиси:*

\_\_\_\_\_

**Джуманиязова А.К.**

*Санок комиссиянинг аъзолари:*

\_\_\_\_\_

**Мирюнов Б.М.**

\_\_\_\_\_

**Тинанов С.К.**